O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 25 сентябрь, шанба • № 77 (11.160) • Эркин нархда сотилади

Сайловлар олдидан

МУСТАҚИЛ НОМЗОДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ва Олий Мажлис депутатлигига сайловлар қизғин паллага кирди. Сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимлик органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари номзодлари ўртасида том маънодаги сайлов кураши бошланди. Шу мақсадда жойларда сайловолди йиғилишлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида бўлиб ўтган шундай йиғилишда жамоат ташкилотлари, ташаббускор гуруҳлар вакиллари, маҳалла кенгашларининг раислари ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимликлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 22-1-моддасида мамлакатимизнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг қамида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунга кўра, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг вакили гуруҳни рўйхатга олишни сўраб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Худди шундай ҳуқуқ фуқароларга вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш учун ҳам берилган.

Ушбу ҳуқуқни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди. У нодавлат, нотижорат ташкилот ҳисобланади. Марказ ўз фаолиятини бутун республика бўйича олиб боради. Низомга мувофиқ, унинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари кенгашларига бўладиган сайловларда фуқаролар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган мустақил номзодларга ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишдан иборатдир.

Мажлисда мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг бошқарув таркиби тузилди. Унинг раиси этиб ҳуқуқшунослик фанлари доктори А. Саидов сайланди.

(ЎзА).

ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН Фидокорлар миллий демократик партияси республика Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида партиянинг ўтган даврдаги фаолияти ҳамда Президентликка ва Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган иккинчи қурултойи якунларига бағишлаб маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси ўтказди.

АНЖУМАНГА таклиф этилган маҳаллий ва хорижий журналистларга Фидокорлар миллий демократик партияси марказий кенгаши бош котиби Эркин Норбўтаев партия иккинчи қурултойи тафсилотлари ҳақида сўзлаб берди. Фидокорлар партияси ташкил этилгандан буён ўтган олти ой мобайнида унинг сафи беқиёс кенгайди, нуфузи янада ошди. Ҳозир 200дан зиёд туман қўмиталари, 2000дан зиёд бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Партия аъзоларининг сафи эса 150 минг нафардан ошди.

Партия ўз фаолиятини бошлашда халқ орасига кириш, хусусан ёшлар ва тадбиркорлар билан мунтазам мулоқотда бўлиш йўлидан бормоқда. У ёшлар ва тадбиркорларнинг дардларини тинглаш, уларни қийнаб келаётган муаммоларни аниқлаш билан чекланиб қолмай, тўсиқларни баратараф этиш ва муаммолар ечимини топиш масалаларида амалий ишлар қилмоқда.

— Партия иккинчи қурултойида Ислом Каримовни Президентликка номзод қилиб кўрсатишга қарор қилинганлиги бежиз эмас, — деди Эркин Норбўтаев. — Юртбошимиз ҳамма соҳаларда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни раҳбар лавозимларга дадил кўтариш зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқдалар. Бундан ташқари тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳақида астойдил қайғурмоқдалар. Бу масалалар эса партиямиз фаолияти дастурининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Қолаверса, партиямизнинг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи барқарор сиёсатга айнан мос бўлиб тушади.

Анжуманда партия бош котиби Э.Норбўтаев маҳаллий ва хорижий журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз.

Пахта — 99

ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмасининг биринчи бўлимига қарашли Кенжа Аҳмедова бошлиқ бригадада бу йил 60 гектар майдонда пахта ўстирилди. Деҳқончиликда катта тажрибага эга бўлган Кенжа опа янгиликка қизиқувчан. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмасдан уларга тавсия этилган янги навни экди. Унинг агротехникасини пухта ўрганди ва парвариш жараёнида бунга қатъий амал қилди. Айрим табиий қийинчиликларга қарамай далаларда ғўза ривожи кўнгилдагидек бўлди. Гектарларда мўлжалдаги кўчат сақланди ва яхши парвариш қилинди. Барвақт ҳосилга кирди.

— Биз жами бўлиб 172 тонна пахта топширишга аҳд қилганмиз, — дейди бригадир, — ана шунда ҳосилдорлик 28 центнердан ошади. Деҳқонларимиз билан маслаҳатлашиб, ҳосил чўғини чамалаб 30 центнерга етказишни ният қилиб қўйдик. Бу ҳосил далада бор ва у, албатта, хирмонга уюлади.

Суратда: бригада бошлиғи Кенжа Аҳмедова (ўртада) теримчилар даврасида.

Ҳусан АВВАЛОВ олган сурат.

Шу сонга • Шу сонга • Шу сонга

ПУДРАТЧИЛАР ШАРТНОМАНИ БАЖАРДИ

ЧИНОЗ туманидаги С. Раҳимов номли ширкат хўжаликлари уюшмасида кунига йиллик шартнома режасининг 5-6 фоизи миқдорида пахта топширилмоқда.

ХЎЖАЛИКДА бу йил мўл ҳосил етиштирилгани ва пахтанинг эрта пишиб етилгани бежиз эмас. Чунки, пахта майдонлари пудратчи оилаларга шартнома асосида бўлиб берилган. Барча агротехника тадбирлари шартнома шартлари асосида амалга оширилди. Йиғим-терим қизғин паллага кирган шу кунларда пудратчи оилаларнинг ҳамма аъзолари далага чиқиб, кунига ўртача 75-80 килограммдан пахта термоқдалар.

Уккибой Рисбоев ва Тўленди Ўрозалиевлар бошлиқ оилавий пудратчилар эса биринчи теримдаёқ гектаридан 25 центнердан сифатли хомашё йиғиштириб олиб, шартнома режасини биринчи бўлиб бажардилар. Энди улар ҳосилдорликни камида 30 центнерга етказиш учун иккинчи теримга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

СЕРМАЗМУН кунлар

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Спирт, алкаголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2000 йил ҳосилини етиштириш учун кузги-қишки агротехника тадбирларини маблағ билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Республика Олий Мажлисида парламент аъзоларининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабалари ва ўқитувчилари билан бўлиб ўтган учрашувида ҳуқуқий давлатни шакллантириш, демократия ва парламентаризмни ривожлантиришнинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида гап борди.

● Пойтахтимизда уч кун давом этган Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича халқаро конференция ўз ишини якунлади. Дунёда йўлсозлик бўйича катта тажрибага эга бўлган бир қатор мамлакатлар, фирма ва компаниялар иштирок этган бу анжуман Буюк Ипак йўлининг тикланиш жараёнини тезлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

● Маълумки 2000 йилнинг 15 сентябридан 1 октябригача Сидней шаҳрида XXVII олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасига Халқаро олимпия қўмитасининг ушбу ўйинларга таклифномаси топширилди.

● Республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов раислигида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг кичик комиссияси йиғилишида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни камайтириш, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларни тугатиш масалалари муҳокама этилди.

● Жойларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги «Корхоналар банкротлиги тўғрисидаги қонунларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмоқда? Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилишида шу ҳақда гап борди.

● Тошкент Давлат Юридик институтида олий ўқув юрти талабаларининг Будапештдаги конституциявий ва ҳуқуқий сиёсат институти вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур ташкилот билан институт ўртасидаги ҳамкорлик йўлга қўйилганига уч йилдан ошди.

● Россиядаги «Колорос» акциядорлик жамияти жаҳондаги тўқимачилик ва енгил саноат учун бўёқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналардан биридир. Ўтган куни республикамиздаги етакчи тўқимачилик ва енгил саноат корхоналари раҳбарлари ҳамда мазкур корхона вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча битимлар тузилди.

ВИЛОЯТ ҳаёти

● ДАВЛАТ бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, улардан самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Тошкент вилояти ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди.

● «ЎЗБЕКИСТОН Республикасида топономик объектларни маъмурий-ҳудудий тузилмаси масалалари, уларни номлаш ва номларни ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ туман ҳокимликларининг таклифларини кўриб чиқиб вилоят ҳокими «Вилоятдаги қишлоқ аҳоли пунктларини бирлаштириш, тугатиш, номларини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● ОЛМАЛИҚ шаҳрида 2000 йил январь ойига қадар 60 ўринга мўлжалланган ихтисослаштирилган сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш-профилактик муассасаси ишга туширилади ва бу ерда Вилоят ҳокимининг «Вилоятда сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик касалига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаси тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорида ана шу ва бу касалликларни олдини олишга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди.

● ЧИНОЗ туманидаги Ғафур Ғулом номли 40-мактабда «Аёл, экология ва саломатлик» мавзусида мутахассислар билан учрашув бўлиб ўтди. Республика «Экосан» жамғармасининг вилоят ва туман бўлимлари ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган учрашувда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Соғлом турмуш тарзи кафедраси мутахассислари экологик вазиятни соғломлаштириш ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишда аёлларнинг роли ҳақида сўзлаб бердилар.

● «ТОШКЕНТ — Қорасув» қатнов йўлининг Зафарга кираверишдаги чорраҳаси атрофи замонавий иншоотлар, ёритгичлар, йўл ҳаракатини бошқариш ускуналари билан қайта жиҳозланиб, бекатлар бир эумлик тамаддихоналар, чойхоналарга айлантирилди.

● ОЛМАЛИҚ қурувчилари кўпхонадонли янги уйни фойдаланишга топширдилар. Йигирма оилага мўлжалланган бу турар-жойда истиқомат қилиш учун барча қулай шароитлар муҳайё қилинган.

● ЧИРЧИҚ мактабларининг юқори синфларида янги ўқув йилидан бошлаб солиқ сабоқларидан дарс ўтишга киришилди. Шаҳар нозирлигининг тажрибали ходимлари ўқувчиларга мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тахсил бермоқдалар.

Вилоят ҳокимлигида

БУЮК МЎЪЖИЗАДИР АЁЛ ДЕГАН НОМ

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими, Республика Оила илмий-амалий маркази томонидан «Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаётида оила, аёллар мавқеи ва миллий тарбия муаммолари» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Аёл! Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Аёл-она, Аёл-вафодор ёр, у-эгачи, у-сингил, у-югуриб қаршимиздан чиқадиган тили бийрон, меҳрибон қизалоғимиз, жону-жаҳонимиз!

Дарҳақиқат, хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси, авлодлар силсиласини давом эттирувчи, тинчлигимизни, осойишталигимизни кўз қорачиғидек асраб, авайлаб келаётган оналаримизни, опа-сингилларимизни ҳар қанча севиб, ардоқласак, арзийди. Юртбошимизнинг 1999-йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилганлиги ҳам ана шу ҳурмат ва эҳтиромдан далолат.

Вилоят ҳокимлигининг Мажлислар залида бўлиб ўтган «Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ҳаётида оила, аёллар мавқеи ва миллий тарбия муаммолари» мавзусида ўтказилган Республика илмий анжуманида ҳам аёлларга бўлган ана шу эҳтиром яна бир бор ўз инъикосини топгандай бўлди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, академик Бўрибой Аҳмедов анжуманни очар экан, давлатимизнинг оила ва аёлларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, меҳру муҳаббати, қолаверса, 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги Республикамиз жамоатчилиги ҳаётида катта воқеа бўлганлигини эътироф этди. Шунингдек, у мазкур анжуманда Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида аёллар мавқеи жуда юқори ўринда турганлигини алоҳида таъкидлади.

— Маълумки, Темур ва темурий шаҳзодалар XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг биринчи чорагигача Ўрта Осиё, Шимолий Афғонистон, қисман Эрон ҳамда Ироқ мамлакатларида ҳукмронлик қилганлар, — деб сўз бошлади Республика ФА Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Турғун Файзиев ўз маърузасида. — Шаҳзодалар сингари темурий сулоласига мансуб маликалар орасида ҳам истеъдодли сиёсатдон, сухандон, етук олима ва ҳассос шоиралар етишиб чиққан. Улар тарих зарварақларида ўзларидан ўчмас из қолдирганлар.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон халқ артисти Юлдузхон Исматова саҳнага қўйган «Темурий маликалар» саҳна асаридан намуналарни мароқ билан томоша қилишди.

Шунингдек, Республика Оила илмий-амалий маркази директори, профессор О.Мусурмонованинг «XXI аср ўзбек миллий оиласи модели», педагогика фанлари доктори М.Куроновнинг «Жамият маънавий ҳаётида миллий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти», Ўзбекистон ФА ходими, тарих фанлари доктори Д.Бобожоновнинг «Буюк аждодлар маънавияти ва даврлар ҳамоҳанглиги», тарих фанлари номзоди, доцент Н.Норқуловнинг «Темур тузуклари» давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим тарихий манбаа сифатида» мавзуларидаги маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Маърузалар юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Анжуманда Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

22 сентябрдан 23 сентябрга ўтар кечаси бесқинчи тўдалар Сирт, Тескей, Айдаркон қишлоқлари йўналишида Қирғизистон Республикаси ҳукумат қўшинларининг назорат постларига қатор ҳужумлар уюштирди. Жангариларнинг барча ҳужумлари қайтарилди.

Ҳарбий тўқнашувлар чоғида террорчилар сезиларли талофат кўрди. Жангарилар Қирғизистон ҳарбий бўлинмаларининг қуршовини ёриб ўтишга уриниш билан бир вақтда, йўллар ва тоғ сўқмоқларни миналаштирмоқда. Баланд тепаликларда снайперлар учун мустаҳкам истеҳкомлар қурмоқда. Бирлашган тожик мухолифатининг тоғли шароитда жанг қилиш бўйича тажрибага эга бўлган дала командирлари кўрсатмасига биноан, Зардоли ва Хўжа Очкан қишлоқлари яқинидаги жарликларга пойлоқчилар қўймоқда.

Айни пайтда жангарилар ўқдори, озиқ-овқат ва иссиқ кийимга кучли эҳтиёж сезмоқда. Тўдаларда жангариларнинг ярмини 18 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади, улар орасида интизом сусайган, тушкунлик ва ўз кучига ишонмаслик кайфияти ҳукмрон. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари билан жанглар чоғида ҳарбий тажрибага эга бўлмаган ёш жангарилар ўз ўрнини ташлаб кетгани ҳақида далиллар бор. Бесқинчи тўдаларнинг бошлиқлари ёш жангариларни таҳдид қилиш йўли билангина ўз ўрнида ушлаб турибди.

Хоитдан (Тожикистон) Хўжа Очканга бирлашган тожик мухолифатининг Али-Боксёр (Шайх) бошчилигидаги гуруҳи жўнатилди. Бу гуруҳ ўқотар қуроллар, зенит қурилмалар ва пиёда аскарлар ишлатадиган миномётларга эга.

Қирғизистон жанубида захирадаги ҳарбий хизматчиларнинг сафарбарлиги давом этмоқда. Улар туман комиссарликлари қошида тайёргарликдан ўтмоқда.

* * *

Қирғизистон жанубидаги вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Жангарилар Хўжа Очкан қишлоғидан Сирт қишлоғига ўтишга уриниб кўрди. Лекин, «Град» қурилмалари ёрдамида берилган реактив замбараклар зарбасига учраб, ўтиш қийин бўлган тоғли худудларга чекинди.

Террорчилар ўзлари эгаллаб турган ҳудудлар мудофаасини мустаҳкамлаш ва кучайтириш ҳамда назорат постларини жиҳозлашни давом эттирмоқда. Уларнинг асосий мақсади қиш келгунча эгаллаган ҳудудларда моддий база яратишдир.

Бирлашган тожик мухолифати қуролли гуруҳларининг бошлиқлари озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-яроқ ва ўқ-дори бериш орқали жангарларга ёрдам кўрсатишда давом этмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг гувоҳлик беришича 22 сентябрь куни Тожикистон Республикасининг Жирғатол туманидан Зардоли, Хўжа Очкан ва Шудман қишлоқларига қурол-аслаҳа ва ўқ-дори ортилган карвон келган.

Боткен туманидаги ҳукумат қўшинларини янада кучайтириш учун Қирғизистоннинг Иссиқкўл вилоятидан бу ерга доимий армия аскарлари ва кўнгиллилар юборилди. Ўзўзини ҳимоялаш отрядларига қарийб 1200 киши қўшилди. Уларнинг барчасига ўқотар қурол берилди. Кўнгиллилар ҳозир давлатга қарашли муҳим иншоотлар ва ҳарбий объектларни қўриқламоқда. Қирғизистон қуролли бўлинмалари Ўш вилоятининг тўртта туманига олиб бориши мумкин бўлган йўлларнинг қарийб барчасини тўсган.

Ўш шаҳрига Россиядан кутилаётган самолётларнинг бири — «ИЛ-76» келди. Унда ҳарбий техника, махсус қурол-аслаҳа ва авиация бомбалари бор. Бу юк Россия ва Қирғизистон ҳукуматлари ўртасидаги келишувга биноан олиб келинди.

Боткен туманида 4183 нафар, Қадамжой туманида эса 1620та қочқин рўйхатга олинди. Уларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

(ЎзА).

АЛДАНГАНЛАР ВА МАҲКУМЛАР

''Жангарилар лагерида бир йилдан кўпроқ бўлдим. У ерда ҳаёт ва тартиб қўрқиш асосиға қурилган. Ўша яқин ўтмишимни ҳозир эсласам, қўрқув ва тушкунликда яшаганлигимни англайман. У ерда ўтган кунларимни тасвирлашим қийин. Ҳар куни жисмоний тайёргарлик, ислом дини бўйича мураббий таълими (буни даъват аташади), ҳарбий тайёргарлик, бошқа ишлар. Гўё ташқи дунё билан алоқа узилган жойда яшаётганга ўхшайсан, ташқаридан ҳеч қандай хабар келмайди. Бу ерда девор йўқ, лекин тутқун каби кун кўрасан, чунки лагерга ипсиз боғлаб қўйилгансан: кетиш мумкин эмас -- пастга тушадиган бирдан-бир йўлга постлар қўйилган, ҳужжат йўқ, пул йўқ, харита ҳам йўқ. Харита бўлмагач, тоғда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳар куни шу аҳвол...

Лагерда диний таълимни ва ҳарбий тайёргарликни яхши ўзлаштирмаганлар жазоланади. Кимки шубҳаланса, бу ердан кетмоқчи бўлса -- сотқин ҳисобланади. Сотқинлар эса бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам жазоланади -- бу гаплар кун сайин қулоққа қуйиб турилади. Машғулот чоғида мунозарага йўл қўйилмайди -- ҳар қандай шубҳага Оллоҳ номи билан чек қўйилади: ''Бу Оллоҳнинг иродаси'', ''Оллоҳ бизга мадад беради'', ''Оллоҳнинг иноятн'', ''Ҳаммаси Оллоҳга маълум'', дейишади. Саволлар ёки норозиликка Оллоҳ ва Пайғамбар номи билан чек қўйишади. Лекин бу гаплардан сўнг қалбингда тош пайдо бўлади. Чунки шубҳалар қолаверади, келажак эса мавҳум ва ишончсиз, умидсиз дунё бўлиб кўринади.

Биринчи марта мазкур лагерга кирганимда, атрофдаги гўзалликни кўриб мафтун бўлдим. Лекин бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг ҳамма нарса мунгли ва хунук кўрина бошлади''. Бу жангарилар-нинг Тожикистондаги лагерида узоқ вақт бўлиб келган урганчлик 23 яшар йигит (уни Азимбек деб атайлик) гапларидан бир парча, холос.

Ўзбекистон Президенти томонидан 1999 йилнинг март ойида алданиб, исломпарастларнинг сафига ёшларни ёлловчилар қармоғига илинган ёки ислом ҳаракатига ўз ихтиёри билан қўшилган, аммо хато қилганини тушуниб, тинч ҳаётга қайтишни истаганлар кечирилиши эълон қилингандан сўнг, Азимбек ва унга ўхшаш йигитларнинг уйга қайтишлари мумкин бўлди. Президентнинг баёноти Тожикистонда, Афғонистонда ва Чеченистондаги жангариларнинг ҳарбий лагерларидаги йигитларга ҳам қаратилган эди.

Ўзбек йигитлари жангариларнинг ҳарбий лагерларига қандай қилиб бориб қолишди? Тожикистондан қайтиб келган урганчлик йигитлар билан 1999 йилнинг июлида учрашганимда, улар шу ҳақда сўзлаб беришди.

''Мен 1998 йилда Тошкентдаги университетга киришга уриндим, лекин имтиҳондан йиқилдим. Бозорда ўрта ёшлардаги Абдулҳақ исмли одам билан танишиб қолдим. У менга Тошкентда қурилаётган кичик бир масжидда бирга ишлашни таклиф қилди. Уйга қайтиб кетишга уялганим сабабли рози бўлдим. Биз бир ойча ишладик. Масжид қурилаётган жойдаги ҳовлида яшадик, оқшомлари ҳаёт тўғрисида, турмушда учрайдиган қийинчиликлар, адолатсизликлар ҳақида гаплашдик. Бригададаги одамлар тақводор эди, намоз ўқишар, бир-бирини ҳурмат қилишар, меҳрибонлик кўрсатишарди. Улар менга ёкиб қолишди. Ҳақиқий дўстларимни топдим, деб ўйладим. Улар фақат эътиқодгина киши ҳаётини яхшилайди, чунки дин орқали одамларнинг ўзлари руҳан тозаланади, яқинлари тўғрисида ғамхўрлик қилишади, дер эдилар. Менда дин аҳкомларини ўрганиш ҳисси пайдо бўлди. Бунгача мен билан ҳеч ким бу ҳақда гаплашмаган эди. Ўзимни мусулмон деб ҳисобласам ҳам, намоз ўқишни билмасдим. Аммо исломнинг нима эканлигини, исломий яшаш қандай бўлишини билмас эдим. Ҳаёт хусусида жуда кўп саволларим бор эди, бу саволларга ислом қандай жавоб беришига қизиқдим. Шу сабабли иш тугагандан сўнг ҳам янги дўстларим билан алоқани узгим келмади. Улар ҳам, агар иш топилса ёки мени исломга ўқитиш учун жойлаштириш имконияти пайдо бўлса, сени ўзимиз топамиз, дейишди. Мен уларга турадиган жойимни ва телефонимни маълум қилдим.

Бир ярим ойдан сўнг улар менга қўнғироқ қилишди. Отамга Тошкентда иш бор экан дедим. Бундан отам хурсанд бўлди. Тошкентга келганимда мен исломни ўрганиш учун боришимни айтишди, лекин бу ''омонат'', ҳеч кимга айта кўрма, деб огоҳлантиришди.

Мен билан яна тўрт йигит Абдулҳақ ҳамроҳлигида автобусда йўлга чиқдик, сўнгра пиёда юрдик, дарёдан ўтиб, яйловга чиқдик. Қандайдир тожик қишлоғида икки кун меҳмон бўлдик, уй эгаси ўзбек адабий тилида гаплашар эди. У эътиқодли, ислом динини яхши биладиган олим одам эди. Уй эгаси ҳузурига бир йигит келди, у тожикча гапирар эди. Уни бизга йўл кўрсатувчи деб таништиришди. Бизни таълим оладиган жойимизга бошлаб бориши керак экан. Уч кечаю, уч кундуз тоғ даралари оралаб йўл юрдик, довон ошдик, қирғиз чўпонларининг қора уйларида тунадик. Сўнгра Хоит қишлоғи жойлашган тоғ ён бағрига келдик. Жангариларнинг асосий лагери шу ерда жойлашган экан, буни кейинроқ билдим''.

Бошқа йигит (уни Олим деб атайлик) -- у ҳам 23 ёшда -- шунга ўхшаш воқеани сўзлаб берди. Уни Урганчда Тошкентдан келган бир киши излаб топиб, дўстинг Тошкентда яхши иш топди, сени ҳам чақиряпти, деган. Олим хурсанд бўлиб кетган, чунки анча вақтдан буён ишсиз, у ишлаб турган ошхона ёпилиб қолган эди. Олим янги таниши билан Тошкентга келади, лекин ошнасини топа олмайди. Унга дўстинг катта бригадага қўшилиб бошқа жойга кетган, ҳозир таъмирлаш ишлари билан банд, деб жавоб қилишган. Тошкентда икки ҳафта турганидан сўнг, янги таниши уни яна икки йигит билан гўёки дўсти ишлаётган жойга олиб кетган. Аммо Олимга, ота-онанга ҳабар қилиб ўтирма, бир ойдан сўнг қайтиб келамиз, деб тайинлашган. Шундан сўнг олдинги йигит айтгани каби, Олим ҳам Тожикистонга йўл олган.

Учинчи собиқ жангари ҳам урганчлик, лекин унинг ёши 26 да, оилалик, ўзининг кичик устахонасида ишлаган, олти йил муқаддам намоз ўқишни ўрганган, масжидга мунтазам қатнай бошлаган. ''Одатда масжидга таниш одамлар боради, бироқ бир куни нотаниш киши келиб қолди, у билан гаплашиб қолдим. У мендан ҳаётим қандайлигини, канча пул топишимни сўради, бундай арзимас иш ҳақи билан оилани боқиш қийин эмасми, деб қизиқсинди. Эртасига устахонамга келиб, менга Тошкентга боришни таклиф қилди, янги масжид қурилишида ишлаш учун асбобларингни ҳам олиб кет, деб маслаҳат берди.

Бир неча кишини бирга олиб кетишинг мумкин, иш кўп бўлади, деди''. Бу йигитлар ҳам Тошкентдан жангарилар лагерига тушиб қолди. Тошкентда уларни Тожикистонга жўнатиш учун ёллашди. Қодир ва унинг дўсти лагерда бир йилдан кўп вақт бўлди.

Ёлловчилар Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан йигитларни тўплаб, улардан тўрт-беш кишилиқ гуруҳлар тузиб, чегаранинг пост қўйилмаган участкалари орқали Тожикистонга олиб ўтишарди. Ҳар бир йигитнинг гапларида ўхшаш томонлари бор: Ўзбекистон ҳудудида автобуслар орқали маълум жойгача борилади, пиёда чегарадан ўтилади, ишончли шахсларнинг уйларида тунашади, бу шахслар уларни тоғ орқали олиб ўтиш учун йўл кўрсатувчига топширади, йўл кўрсатувчилар йигитларни Тожикистон Бирлашган мухолифати назорат қилиб турган зонадаги Хоит лагерига олиб боради.

Олим жангарилар лагеридаги ҳаёт ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Бизни меҳмонларни кутгандай яхши кутиб олишди. Хоитда бир ҳафтадан кўпроқ дам олдик. Йўл кўрсатувчи уч кундан сўнг қайтиб кетди. Лагер командири ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Паспортимиз ва пулларимизни эса олиб қўйишди. У бизга бу ерда ислом динини, даъватни ўрганишимизни айтди. Ҳақиқатдан ҳам, эллиқдан ортиқ киши тўплангач, бизни ўттиз кишилик гуруҳларга ажратиб, баланд тоғдаги Часув ва Девонасув лагерларига жўнатишди. Диний мураббий биз билан икки ҳафта машғулот ўтказди. Сўнг ҳарбий таълим бошланди. Уч ойдан сўнг ҳарбий тайёргарлик тугагач, биз лагерда қолиб уни қўриқлай бошладик. Лагерда ёзда яшаш чакки эмас, лекин қишда деярли ҳамма совуқдан ва овқат етишмаслигидан қийналади. Беморларни фельдшер даволайди, дори-дармон эса жуда кам. Йигитлар орасида норозилик ҳам бўлди, уйга кетишга рухсат беришни талаб қилишди. Шунда отрядни тўплашди. Хоит лагерининг командири келди. Уйга кетишга рухсат беришни талаб қилган кишини хоин деб аташди. Уни саф олдида тиз чўктириб, қўй каби сўйиб ташлашди. Норозиликка шу йўл билан чек қўйилди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бири дахшатга тушди''.

Ҳарбий тайёргарликни тожикча гаплашадиган инструкторлар ўтказишади, уларга таржимон ёрдам беради.

Лагерда ёши ва ҳаёт тажрибаси турлича кишилар яшайди. Олдин Жума Намангоний лагер командири экан, мен борганимда у йўқ эди. Лекин бу ерда кўп одамлар Жума Намангоний билан бирга яшайди, у Тожикистондаги фуқаролар уруши йилларида жанг қилган. Ҳозир улар Ўзбекистондан олиб келган оилалари билан бирга яшашади. Биз улар ҳақида кўп нарсани билмаймиз, чунки лагерда ортиқча гаплашилмайди. Аммо улар кўпни кўрган одамлар эканлиги равшан, қўлларидан қурол тушмайди. Чунки топиштутишлари қурол билан боғлиқ, урушсиз, жангсиз яшай олмайдиган бўлиб қолган улар. Бизга озиқ-овқатни қандай топиб келтиришганини билмаймиз. Вақти-вақти билан қуролли кишилар соқчилигида озиқ-овқат ортилган Камаз машиналари келади. Лекин таъминот мунтазам эмас. Шу сабабли вақти-вақти билан лагерда қуритилган мевалар билан овқатланилади ёки рўза тутилади. Диний мураббийлар Оллоҳ бизни синамоқда, сабр-қаноат мусулмонга хосдир, дейишади. Худди шундай пайтларда одамлар лагерлардан қочишади, қочоқларни ушлаб келиб, юқорида айтганимдек жазолашади ёки улар бедарак кетишади. Бу ердан қочиш мумкин эмас. Ягона йўлга постлар қўйилган, харита ва овқатсиз ҳалок бўласан. Тоғда йиртқич ҳайвонлар ҳам бор. Ҳарбий тайёргарликдан ўтган одамларни бир лагердан иккинчисига жўнатишади. Улар постда туришади, янги келган йигитларни кузатиб боришади ва ҳоказо. Бу ерда хизмат муддати йўқ, хизмат муддатсиз.

Тоғлардаги лагерларга янгиликлар янги келган кишилар орқали келади. Газета йўқ. Баъзан ''Озодлик'' ва ''Би-Би-Си'' овозини эшитиб қоламиз. Баъзан эса кимларнидир отаонаси келиб, ўғлини қидираётгани ҳақида хабарлар келади. Лекин бундай қидирувлар нима билан тугагани бизга номаълумлигича қолаверади. Бир куни мени ҳам пастдаги лагерга чақиришди. Навбатдаги Камаз келганда, машинага тушиб Хоитга келдим. Маълум бўлишича, отам мени қидириб келган экан''.

Йигитларнинг Хоразмга қайтиш тарихи бир-бирига ўхшамайди. Ҳаёт тажрибаси кўпроқ бўлган Қодир лагердан қўйиб юбормаслигини тезда англаб етади. Саломатлиги яхши бўлмаган Қодир совуқдан касал бўлиб қолади. Ўзини яхшироқ ҳис этганда ҳам пастликдаги лагерга қайтиб, ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудга ўтишга уриниб кўриш учун ўзини касалликка солади.

''Мени Хоитга олиб келишди. Ҳеч қандай дори-дармонсиз муолажа қилаётган фельдшер мени туман касалхонасидаги таниш врачга кўрсатмоқчи бўлди. Касалхона ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудда жойлашган эди, ўша ердан қочишга муваффақ бўлдим''. Лагердан қочган яна икки йигитнинг кечмиши энди ҳаммага маълум. Қуролларини топшириб, ватани сари йўл олган йигитларнинг боши кесилган. Улар ўн етти киши эди.

Энди Олимнинг тарихига қайтайлик. У Хоит лагерида отаси билан учрашди. Отаси унга алданиб, жангарилар лагерларига келиб қолганлар ёки лагерга ўз ихтиёри билан келиб, жиноий йўлга ўтиб қолганини тушунганлар, айбини бўйнига олиб келса, кечирилишини айтади. ''Лекин мен дахшатга тушган эдим, отамнинг гапларига ишонгим келмас эди. Чунки йил давомида менга Ўзбекистонда динга ишонувчи тинч аҳолига қарши дахшатли қатағон қилинаётгани тўғрисида кўп гапиришарди. Бизни, ҳарбий тайёргарликдан ўтган кишиларни эса юртимизда фақат ажал кутади, деб ўйлардим. Лекин адашиб келиб қолган жойдан қутулиб чиқишнинг бирдан-бир имкони борлигини тушунардим. Аммо, юқорида айтганимдек, бу ердан осонликча чиқиб кетиш қийин. Ҳатто отамни ҳам қўйиб юборишмади, шу ерда қолишни талаб қилишди. Лекин ёшини ҳурмат қилиб, жуда кўп шартларни бўйнига қўйиб, кетишга рухсат этишди. Мен эса қочишга тайёргарлик кўра бошладим. Хоитга бирга келган ҳамюрт дўстим ҳам бирга қочишга рози бўлди. Апрель ойида биз отамнинг қаерда автобусга ўтириш, қаерда чегарадан ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги маълумоти ва берган пули ёрдамида Хоитдан қочдик. Жуда қўрқинчли эди, ҳаётимиз қил устида турарди. Лекин ортга йўл йўқ, чунки лагерда қолиш биз учун эртами-кеч ўлим билан баравар эди. Лагерда ҳаммамиз ўлимга маҳкумлигимизни тушунардим. Агар жиҳод бошланса, қўлларимиз қон бўлади ва бизни қариндош-уруғларимиз ҳам кечирмайди. Буйруққа бўйсунмасак эса жангари-террорчилар ўлдиради.

Хоразмга етиб келганимда барча қийинчиликлар ортда қолганига ишонгим келмасди. Биринчи кундаёқ мен ва дўстим оталаримиз билан айбимизни бўйнимизга олиб ички ишлар бўлимига келдик. Ҳозир биз эркинмиз. Эндиликда бизнинг муаммоларимиз бошқача. Биз ишлашимиз лозим''.

Қодир ҳозир ўзининг кичик устахонасида ишламоқда, уни кўп одамлар танийди, чунки айбига иқрор бўлиб милицияга келганида, телевидение суратга олаётган пайт эди. Вилоятнинг ҳамма томонидан одамлар бедарак йўқолган ўғилларининг суратларини кўрсатиб, мабодо, ўша томонларда кўрмадингми, деб сўраш учун Қодирни қидириб келишади. Бедарак йўқолганлар орасида эндигина 17 ёшга тўлган ёш йигитчалар кўп.

Гулбаҳор ОТАНИЁЗОВА. (ЎзА).
(«Халқ сўзи» газетасининг 1999 йил 24 сентябрь сонидан).

ПУДРАТЧИ ҲЕЧ ҚАЧОН ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

«МАДАНИЯТ» жамоа хўжалиги нафақат Қибрай тумани, балки, вилоятда йирик, шу билан бирга, кўптармоқли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Илгаридан илғор жамоа сифатида танилган бу хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар шарофати билан оилавий пудрат усули жорий этилгач, ишлар янада юришиб кетди. Чунки, экин майдонлари, боғ ва токзорлар пудратчи оилаларга имкониятларига қараб, тақсимлаб берилгач, деҳқонлар ҳар йили муқим бир ерда экин экиб, парвариш қиладиган бўлдилар. Натижада, улар онгида ерга, мулкка эгалик туйғуси мустаҳкамланди. Ҳар бир пудратчи оиланинг фақат ўз меҳнати пировард натижасидан манфаатдор бўлиши таъминланди. Улар билан хўжалик бошқаруви ўртасида тузиладиган шартнома эса етиштирган ва давлатга топширган маҳсулотларидан келадиган даромадга тўла эга бўлишларини кафолатламоқда. Шу боис хўжаликда оддий деҳқондан тортиб, раҳбар ва мутахассисларда ҳам меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Шартнома шартларининг бажарилишига нисбатан масъулият кескин кучайди. Бу эса ўз навбатида ҳар қарич ердан иложи борича юқори самара олиш, ҳам мўл, ҳам сархил ҳосил етиштириш учун изланиш, қурашиш муҳитини юзага келтирди.

Хуллас, хўжаликни юритишда юз берган янгиланишлар самараси ўлароқ ҳар бир соҳада иш маромн барқарорлашди. Бироқ, бу йил кўкламда юз берган табиий офат деҳқонларнинг режаларини бузиб юборди. Бу ҳол тушкунликка тушиш ўрнига, чора қидиришга ундади. Боғ ва токзорлардан йўқотиладиган даромадлар ўрнини ғалла, сабзавот, картошка каби экинлар ҳисобидан қоплаш йўллари излаб топилди. Жумладан, 250 гектар майдондаги буғдойдан 35 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу нафақат туманда, балки, вилоят бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичлардан бири эди.

Бу йилги шароитда кечки сабзавот экинларидан иложи борича мўл ҳосил олишга зўр берилди. Ҳозир кунига 40-50 тонна маҳсулот йиғиштириб олинмоқда. Бугунгача етиштирилган жами сабзавот 3000 тоннадан ошди. Режа бўйича 3690 тонна сабзавот етиштирилиши керак. Далаларда ҳосил мўл. Айниқса, помидор ғарқ пишиб етилди. Умуман, кеч кузга бориб, яъни етиштирилган жами ҳосил саранжомлаб олингач, ялпи сабзавот хирмони камида 5 минг тонна бўлиши кутилмоқда.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: 3-бригада бошлиғи Фатхилла Исматиллаев пудратчи Маърифат Холиқова ишидан мамнун; пудратчи Худойберган Икромов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

АХБОРОТ КЕНГ ОММАГА ЕТКАЗИЛСИН

Тошкентда, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигида даврий нашрларга обуна тўплаш мавсумига бағишланган кенгаш бўлди. Етилган муаммоларни муҳокама қилишда вазирликлар ва идораларнинг, минтақавий бошқарув органларининг, матбуот тарқатиш ва почта алоқаси бўлинмаларининг, нашриётлар, газета ва журналлар муҳарририятларининг вакиллари иштирок этди.

Кенгашни Республика Бош вазирининг ўринбосари Л. Ахметов бошқарди. У ўз нутқида даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарорлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Тузилмаларни қайта ташкил этиб, даврий матбуотни тарқатиш бўйича корхоналарнинг ягона тармоғини барпо этиш, аҳолини чакана савдо ва обуна орқали матбуот маҳсулоти билан таъминлаш, матбуотни етказиб беришни тезлаштириш ва унинг қийматини камайтириш бу ўзгаришларнинг мақсадидир. Шу муносабат билан «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятлари негизида очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги «Матбуот тарқатувчи» компаниясини ташкил этишга қарор қилинди.

Маркетинг ва мониторинг ёрдамида, очиқ савдо даврий матбуотни тарқатишни яхшилаш, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси билан биргаликда нашрларнинг ўқувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек, обунани ташкил этиш ҳамда алоқа бўлимлари орқали газета ва журналларни сотишни кўпайтириш ҳисобига Республика ва бошқа давлатлар аҳолисининг даврий матбуотга эҳтиёжини қондириш янги ташкилотнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Кенгашда бу вазифаларни ҳал этиш кенг жамоатчиликни мустақил Ўзбекистон сиёсати ва мафкурасидан хабардор қилишга қаратилгани ва бу халқ маънавияти ва маърифатини юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Кенгаш иштирокчилари ҳукумат қарорларини тезроқ амалга ошириш юзасидан таклифларни ва тавсияларни айтдилар.

(ЎзА).

DAVIS CUP by NEC

ҒАЛАБА ҚОЗОНИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ

ТОШКЕНТДАГИ «Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Дэвис кубоги мусобақаларининг етакчи гуруҳига чиқиш учун Ўзбекистон ва Чехия командалари ўртасида беллашув бошланди, бу кубок учун курашда жаҳоннинг энг кучли 16 командаси қатнашади.

Халқаро теннис федерациясининг вице-президенти, Осиё теннис уюшмасининг Президенти Иичи Каватей қуръа ташлашдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида сўзга чиқиб, Ўзбекистон теннисчилари Дэвис кубоги ўйинларида биринчи марта 1994 йилда иштирок этганини ва шу қисқа даврда улар катта ютуқларга эришганини таъкидлади. Чунончи, улар ўтган йили етакчи гуруҳга чиқиш учун курашда Дэвис кубогини 26 марта қўлга киритган Австралия теннисчилари билан учрашдилар.

Ўзбекистон теннисчиларининг бу йилги рақиби Дэвис кубоги мусобақаларида биринчи турнирдан иштирок этаётган Чехия спортчиларидир. Иичи Каватейнинг фикрича, иккала команданинг маҳорати ўйинларнинг қизғин ва қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Чех теннисчилари капитани — Чехия терма командасининг олдинги энг яхши ўйинчиларидан бири Ян Кукалнинг фикри ҳам шундай. Ян Кукал Тошкентга сўнгги йиллардаги энг кучли команда келганини таъкидлаб, ўзбекистонлик теннисчилар уларга муносиб рақиблигини, шу сабабли ўйинлар қизғин ўтишини сезаётганини айтди.

(ЎзА).

ГАЗ АСБОБЛАРИНИ ИСИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШДА ГАЗ БИЛАН СУВ ИСИТГИЧЛАР ВА ИСИТИШ ПЕЧЛАРИНИНГ ДУДБЎРОНЛАРИ ҲАМДА ВЕНТИЛЯЦИЯ ЙЎЛЛАРИНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ

ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ, УЙ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз иситиш мавсуми бошланишигача газ билан сув иситгичлар ва иситиш печларининг дудбўронлари ва вентиляция йўлларининг техник ҳолатини текширишингиз ва лозим бўлса, уларни таъмирлашингиз лозим.

Иситиш асбоблари ва дудбўронларнинг техник ҳолати яшаш жойи бўйича ЎКЖ ходимлари томонидан текширилади.

Дудбўронлари ва вентиляция йўлларининг техник ҳолати ҳақидаги далолатнома яшаш бўйича шаҳар-туман газ идоралари ёки ишлаб чиқариш участкасига тақдим этилиши лозим.

Дудбўронлар ва вентиляция йўлларининг техник холати ҳақидаги далолатномалар тақдим этилмаган газ асбобларини газ билан таъминлаш тўхтатилади.

Яхши ҳаво тортгичнинг бўлиши газ асбобларидан хавфсиз фойдаланишнинг асосий шарти эканлигини

ЁДДА ТУТИНГ!

Дудбўронлар ва вентиляция йўлларини текшириш ва тозалаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

— газ билан сув иситгичлар ва ресторанлар плиталарининг дудбўронлари ҳар чоракда бир марта;

— ҳаво тортиш автоматикаси билан ускуналанган сув иситгичларнинг дудбўронлари йилига бир марта;

— асбоцемент, сопол дудбўронлар, шунингдек иссиққа чидамли махсус блоклардан ясалган дудбўронлар йилига бир марта;

— вентиляция йўллари йилига бир марта:

— иситиш ва иситиш-сув қайнатиш печлари ҳажмли хонадон қозонларининг дудбўронлари — иситиш мавсуми олдидан йилига бир марта.

Ҳаво тортгич бўлмаса ёки носоз бўлса, газ асбобларини дарҳол узиб қўйиш лозим. Нуқсонлар бартараф этилишига қадар газдан фойдаланиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Фойдаланилган табиий ва суюлтирилган газ ҳақини халқ банки ва алоқа узелининг туман ва шаҳар бўлинмаларига ўз вақтида тўланг.

Қарзи бир ойдан ошиб кетган тураржой, хонадон огоҳлантирилмасдан, газ таъминоти тизимидан узиб қўйилади.

«ТошВилоятгаз» бошқармаси.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● АҚШ сенати ҳафта ўртасида коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунни муҳокама қилишга киришди.

● ИСРОИЛ бош вазири Ёҳуд Барак Олмонияга расмий ташриф билан келди. У канцлер Герхард Шрёдер билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини жонлантириш ва иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни янада ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилди.

● ФРАНЦИЯНИНГ Страсбург шаҳрида ўтган Овропо Кенгаши парламент ассамблеясининг навбатдаги сессиясида террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашни янада фаоллаштириш ҳамда бу борада Оврупонинг амалдаги конвенциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● БМТнинг жаҳон озиқ-овқат дастури билан Ангола ўртасида имзоланган битимга биноан ушбу мамлакатга 40 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериладиган бўлди.

● ҲАФТА давомида Ҳиндистоннинг бир нечта штатида парламент сайловлари бўлиб ўтди.

● ВЕНГРИЯ билан Урдун ўртасида террорчилик ҳамда гиёҳвандликка қарши биргаликда курашиш ҳақидаги аҳднома тузилди.

● 12 ДЕКАБРЬ куни Чилида президент сайловлари бўлади. Айни пайтда сайловолди компанияси давом этмоқда. Сўнгги сўровлар натижасига кўра социалист Рикардо Лагос 47,6 фоиз, унинг рақиби Хоакин Лавин 41,4 фоиз овоз тўплашди.

КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС

МАЪЛУМКИ, кейинги пайтларда Шимолий Кавказдаги умумий ахвол ҳамон барқарорлашгани йўқ. Чеченистон, Доғистон, Карачаево-Черкесия, Шимолий Осетия, Ингушистон минтақаларида сиёсий ва ижтимоий вазият қалқиб турибди. Боз устига диний оқимдаги жангариларнинг Доғистон ва бошқа йўналишлардаги юришлари барча республикалар рахбарларини қаттиқ ташвишлантирмоқда.

Ҳафта ўртасида Ингушистоннинг янги пойтахти — Магас шаҳрида Ингушистон, Шимолий Осетия, Чеченистон президентлари — Руслан Аушев, Александр Дзасохов ҳамда Аслан Масҳадовларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Юзма-юз мулоқотларда чегаралар туташган жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро келишган ҳолда ҳатти-ҳаракат қилишлари тўғрисидаги масала юзасидан фикрлар алмашилди. Учрашувда Чеченистон президенти А.Масҳадовнинг Россия президенти Борис Ельцин билан бевосита музокарага киришиши тўғрисида таклиф киритилди. Ўз навбатида А.Масҳадов ҳалқаро террорчиларнинг Доғистонга кирганлигини қатъий қоралади. Аммо, Москва, Волгодонск, Санкт-Петербург шаҳарларидаги портлашларга биз дахлдор эмасмиз, деди.

«ГЎЗАЛ ОРОЛ»ГА ТАБИАТ ҲУЖУМИ

КЕЙИНГИ ойларда жаҳондаги қатор мамлакатларда кучли ер силкинишлари бўлганлиги маълум. Афғонистон, Туркия, Грециядан кейин навбат Узоқ Шарққа келганга ўхшайди. Ҳафта бошида Тайванда сўнгги ўн йилликларда энг кучли ҳисобланган зилзила содир бўлди. Табиий офат маркази Тайбэй шаҳридан 145 километр узоқликдаги Нантоу тумани ҳудудида бўлиб, силкинишнинг кучи Рихтер ўлчовида 7,6 баллга етди.

Илк саҳарда ҳамма қизғин уйқуда бўлган пайтда юз берган ер қимирлаши катта вайронагарчиликларга ва қурбонларга сабаб бўлди. Осмонўпар бинолар, меҳмонхоналар, мактаблар, турар-жойлар кўз очиб юмгунча вайронага айланди. Йўллар, кўприклар ўз манзараларини йўқотди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, зилзила туфайли нобуд бўлганлар сони 2 минг нафардан ошиб кетган, талофат кўрганлар эса 7 мингдан зиёд, деб ҳисобланмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳалок бўлганлар сони янада ошиши мумкин. Чунки, яна кўплаб одамлар вайроналар тагида қолиб кетганлиги аниқ.

Хитой Халқ Республикаси президенти Цзян Цзэмин Тайванда юз берган фожеа муносабати билан нобуд бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Биз табиий офат оқибатларини тезроқ бартараф этиш борасида жабрланганларга барча зарур ёрдамни кўрсатамиз, деди у.

ТАЙЁРАЛАР АТРОФИДА МАШМАША

КОЗОҒИСТОНДА жанжал кўтарилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, Козоғистон Ташқи ишлар вазири К.Токаев расмий баёнот бериб, мамлакатда маъ-лум гурухлар Шимолий Кореяга самолётлар сотишга уринганлигини ва бунинг эвазига катта пул олганлигини айтди.

Бу машмашанинг муқаддимаси бир неча ой олдин бошланган эди. Ўшанда Озарбойжон махсус хизмати ходимлари Қозоғистондан Шимолий Кореяга учаётиб, ёнилғи олиш учун Боку аэропортига қўнган «Руслан» русумли юк самолётини ҳибсга олган эдилар. Текширув натижасида самолёт «қорнида» Қозоғистоннинг бўлакларга ажратилган 6та ҳарбий «МИГ-21» тайёралари борлиги аниқланган эди.

Орадан беш ой ўтгач, воқеа тафсилотлари маълум бўлди. Яқинда маҳаллий газеталар фош этувчи хабарларни эълон қилди. Уларда айтилишича, ўша кезлардаги бош вазир Акежан Кажегелдин 133та самолётни бутловчи қисмлари ва қурол-аслаҳаси билан мамлакат қуролли кучлари ҳисобидан чиқариб, хорижий давлатларга сотиш ҳақидаги қарорга имзо чеккан экан.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● АҚШнинг Висконсин штатидаги Белойд шаҳри туғруқхонасида 1999 йил 9 сентябрь куни соат 9дан 9 дақиқа ўтганда Николас Стивен Уэдл деган чақалоқ дунёга келди. Устига устак боланинг вазни 9 фунт 9 унций (4,6 килограммга яқин) эди. Бундай тасодифдан ҳайратга тушган шифокорлар чақалоқни 9 ёки 99 ёки 999-палатага жойлаштирмоқчи бўлдилар. Лекин, бўш жой йўқ эди. Алқисса 2115 хона берилди. Бунда ҳам рақамлар бир-бирига қўшилса 9 ҳосил бўлади. Ҳамманинг тилида бир савол: 9 рақамлари шодаси остида туғилган чақалоқ келажакда ким бўларкин?!

● ҲИНДИСТОННИНГ Сринагар шаҳри яқинидаги деҳқон ерида мўъжиза юз бермоқда. Унинг экинзори ёнидан автошохйўли ўтган. Ҳаракат пайтида машиналарга кимдир парча-парча лойлар отади. Бироқ, бу «ҳазил» одамга хос эмаслиги маълум бўлди.

Яқинда бу ерга полициячилар келишди. Аммо, улар ҳам эрталаб лойга беланиб, орқага қайтдилар. Улар ҳам мўъжизани тасдиқладилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
*
8.40 «Рақслар гулдастаси».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Аждаҳо ва қуёш». Мультфильм.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Муҳаббат тилсими». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.40 «Шоҳруҳ» клуби.
13.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қайта ҳаёт бағишлаб». Премьера.
13.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10 «Меҳригиё».
14.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
15.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.35 Ватан тимсоллари.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан:«Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 11-қисм.
16.00 Ёш ҳонандалар концерти.
16.25 «Одам — амфибия». Бадиий фильм.
18.10 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал
18.20 «Истиқлол ва тарих».
19.00 «Мувозанат».Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Халқ Демократик партияси».
21.25 «Мукофот муборак». Мусиқий дастур. 1-қисм.
22.20 «Аёл — олам чироғи».
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», мульттомоша)
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «О, ёшлигим».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.05, 20.35, 23.30 - Эълонлар.
20.10 «Ёшлар» телеканали намойиш этади «Ҳақиқат чегараси» Телесериал.
20.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
20.55 «Менинг орзуим».
21.00 «Жаҳон». Ҳалқаро шарҳ.
21.15 «Душанбада кўришгунча».
21.30 «Ҳаёт».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Эгиз қўшиқлар».
22.55 «Олам футболи».
23.15 Шарқ эстрадаси.
23.35 «Инспектор Морз». Телесериал.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Шаҳарлик фариштa». Телесериал. (якунловчи)
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Бурч ва маъсулият».
20.15 «Телефакт».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.45 «Дорихона эшитади».
22.15 «Биз сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Хум».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Ҳалқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Аждаҳо мамлакатига саёҳат».
16.40 «Мультчархпалак».
*
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси. (Австрия-Германия)
*
17.50 «Бу ажиб дунё».
18.00 «Мақаллум». Телесериал.
РЖТ
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.40 «Махфий хужжатлар». Сериал.
*
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф. «Жиноят изидан». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!».

СЕШАНБА, 28

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Шарқ тороналари». II Ҳалқаро мусиқа фестивали.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Ловарлик овчи». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
11.35 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Янгиланиш».
12.25 «Истиқлол ва тарих».
13.05 «Оламга саёҳат». Кинокўсатув.
13.25 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Унутилмас кун».
14.20 «Ринг». Спорт дастури.
14.50 Ўзбек куйларидан концерт.
15.20 «Шаҳар бедарвоза эмас».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 12-қисм.
16.00 «Қамоқ муддати ўтгунча». Бадиий фильм.
17.30 Ватан тимсоллари.
17.35 «Яхшилар ёди». Адабий кўрсатув.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Муҳаббат дарси».
19.05 «Вазият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Адолат» социал-демократик партияси.
21.25 «Мукофот муборак!». Мусиқий дастур. 2-қисм.
22.35 «Озод ва обод юрт».
22.55 «Тўпсиз футбол». Шоу дастури.
23.30 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50 «Ёшлар овози».
20.10, 20.40 23.00 Эълонлар.
20.15 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 «Дунёга йўл».
21.20 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Текин томоша».
22.45 «Турфа олам».
23.05 «Ёшлар» телеканалида — футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.35 «Инспектор Морз».
02.15 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета. «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 1-2 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Ёшлар ҳудуди».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.45 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Ёшлар» телеканалида — футбол.
Чемпионлар лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.25 «Инспектор Морз». Телесериал.
02.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Самога йўл». Болалар учун фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 3-4-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
20.20 «Саломатлик чорраҳасида».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 Авиаолам.
22.15 Моҳир.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Тўрт шим ва чит куйлак».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Ҳалқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».
15.55 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Ли Нин — Хитой гимнастикасининг қироли».
16.25 «Мюзик-холл».
16.40 «Мультчархпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спорт-клуб».
РЖТ
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун,кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.50 «Мақаллум». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?»
21.40 «Дил изҳори».
21.45 «СНН-шоу».
22.00 «Вести».
22.30 «Майкл Джексон ва дўстлари». 2-қисм.
23.10 Кинематограф. «Ғўзаллар ва баҳодирлар». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 30

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ялпо тили».
10.25 «Жавоҳирлар ҳазинаси». Адабий кўрсатув.
10.50 Кундузги сеанс: «Қадимги шўҳликлар». Бадиий фильм.
12.05 «Ўзбек зиёлиси».
12.25 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 «Изҳор». Мусиқий дастур.
14.10 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
14.50 «Киёфа».
15.20 «Меҳр қўлур».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм 14-қисм.
16.00 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
17.25 Эстрада тароналари.
17.40 «Ҳарита». Ҳалқаро шарҳ.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Миллий тикланиш партияси».
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
22.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.35 «Сомон йўли».
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи доврак», мульттомоша)
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастур.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Рақслар қанотида».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Рақурс».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Эркин фикр».
21.20 «Ёшлик новлари».
21.45 «Каталог».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Ёшлар» телеканалида — футбол.
Чемпионлар лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.25 «Инспектор Морз». Телесериал.
02.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Самога йўл». Болалар учун фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 3-4-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
20.20 «Саломатлик чорраҳасида».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 Авиаолам.
22.15 Моҳир.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Тўрт шим ва чит куйлак».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Ҳалқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».
15.55 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Ли Нин — Хитой гимнастикасининг қироли».
16.25 «Мюзик-холл».
16.40 «Мультчархпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спорт-клуб».
РЖТ
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун,кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.50 «Мақаллум». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?»
21.40 «Дил изҳори».
21.45 «СНН-шоу».
22.00 «Вести».
22.30 «Майкл Джексон ва дўстлари». 2-қисм.
23.10 Кинематограф. «Ғўзаллар ва баҳодирлар». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 29

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Фовқулодда 20 дақиқа».
9.35 «Довюраклар». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
10.30 Кундузги сеанс: «Табор кўкка йўл олади». Бадиий фильм.
12.05 «Инсон ва қонунга хатлар.
12.20 «Заковат зарчашмаси».
12.40 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
12.55 Ватан тисоллари.
13.00 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Узагросугурта: Ислоҳот одимлари». Премьера.
14.10 «Қўшиққа кўчган сатрлар». Ш. Сапимова.
14.45 «Орият шажараси».
15.05 «Талаб ва таклиф».
15.25 «Куйла, ёшлигим».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм .13-қисм.
16.00 «Камолот сари».
16.20 «Сендан угина, мендан бугина». Бадиий фильм.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 «Солиқ ва назорат».
18.25 «Озод юрт одамлари».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар «Ватан тараққиёти партияси»
21.25 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. (ёзиб олинган)
22.55 «Садоқат».
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи доврак», мульттомоша)
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастур.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Рақслар қанотида».
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Рақурс».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Эркин фикр».
21.20 «Ёшлик новлари».
21.45 «Каталог».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.40 «Ёшлар» телеканалида — футбол.
Чемпионлар лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.25 «Инспектор Морз». Телесериал.
02.05 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Самога йўл». Болалар учун фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 3-4-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
20.20 «Саломатлик чорраҳасида».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 Авиаолам.
22.15 Моҳир.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Тўрт шим ва чит куйлак».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Ҳалқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».
15.55 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Ли Нин — Хитой гимнастикасининг қироли».
16.25 «Мюзик-холл».
16.40 «Мультчархпалак».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Спорт-клуб».
РЖТ
18.00 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун,кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.50 «Мақаллум». Телесериал.
21.35 «Оламда нима гап?»
21.40 «Дил изҳори».
21.45 «СНН-шоу».
22.00 «Вести».
22.30 «Майкл Джексон ва дўстлари». 2-қисм.
23.10 Кинематограф. «Ғўзаллар ва баҳодирлар». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 2

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
10.15 «Илм олами: XX1 аср бўсағасида».
10.35 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
10.55 Кундузги сеанс: «Буланка»меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
12.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
12.50 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.10 «Зийнат».
13.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.40 «Ринг». Спорт дастури.
15.10 «Яхши қайфият». Мусиқий дастур.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 15-қисм.
16.00 «Инсон — ҳаёт гултожи».
16.25 «Севги саробларо». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Болалар учун «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
21.30 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.00 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши)
23.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.55 «Куй ва тасвир».
00.15 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 5-6 сериялар.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув», «Ҳар соҳага саёҳат»)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Буюк юрт фарзандиман».
11.50 «Мусиқий лаҳзалар».
11.55 «Кинотақдим».
12.15 «Эски альбомдан».
12.20 «Ёшлар» телеканалида.
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Таниши: Обид Муҳаммедов.
13.15 «Муносабат».
13.35 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.05 «Мусиқий глобус».
14.25 «Шу куннинг мавзуси».
14.45 «Ёш Индиана Жонс ҳоётидан». Телесериал.
15.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 «Ёшлар» телеканалида.
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин қалит»)
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.30-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.0 «Матбуот».
21.10 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Кутилмаган меҳмон».
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Мафтункор чехралар».
23.10 «Мусиқа тўғрасида».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема . «Амаки-ваччам Винни».
01.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Тонги пойтахт».
9,30 «Ҳанда дўкони».
9.50 «Саломатлик чорраҳасида».
10.00 Болажонлар экрани. Том Сойернинг саргузаштлари. 2-серия.
11.05 «Таянч».
11.30 «Ишдаги ишқ ёки...».
11.55 «Ёшлар ҳудуди».
12.25 «Ибрат».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Мулаллиф».
14.05 Кинонигоҳ. «Леон».
15.45-16.30 «Дўстлик» видеоканали. «Дидар», «Немис шарҳи».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Ўйинленд». Телеўйин.
18.20 «Табиат шифохонаси».
18.30 «ДАН хабар қилади».
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 9-10 сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.25 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Устоз, мураббий».
22.35 «Инсон қалбига йўл». Телефильм.
22.55 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ. «Дўст кулфатда билинар».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Ҳалқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
11.40 «ТАСИС» дастури намойиш этади».
12.10 -13.05 «Буржлар башорати».
***
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Винафша».
17.55 «Бу ажиб дунё».
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 «Миллий ов хусусиятлари». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
21.00 Жаҳон киноси. «Ванда исмли балиқчоқ». Кинокомедия.
*
23.00 «Дил изҳори».
23.10 Кинематограф. «Пок қиз тизан қизи». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
9.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
9.45

СУРАЙЁ ОПАНИНГ БАЙРАМЛАРИ

Дилкаш суҳбатлар

Тошкент вилоят кўз касалликлари шифохонасида Сурайё Убайдуллаева деган бир дўхтир бор. Юзларидан ҳамиша нур ёғилиб, кўзлари қуёшдай порлаб туради. Унинг ширин сўзи, хушмуомаласи ҳар қандай беморни тузатишга қодирдай туюлади. Улар билан бир бор гаплашсангиз бас, яна соғинасиз, яна қўмсайсиз.., — ҳикоясини бошлади Мамлакат опа исмли аёл. — Мана, бу расм ўғлимнинг операциядан олдинги, мана буниси кейинги расмлари. Ўғлимнинг кўзи туғма ногирон эди. Бошида операцияга кўнмовдик. Кейин деярли ҳамма мутахассислар «кечикибсиз, энди давоси йўқ», дейишди. Умидларим чил-чил бўлган бир пайтда тақдир менга Сурайё Убайдуллаевани рўпара қилди. «Операция қилсак, тузалиб кетади», дедилар. Операциядан сўнг ўғлим жуда чиройли бўлиб кетди. Барака топсин. Илойим, ўйлаган ниятларига етсин.



Шу суҳбат баҳона бўлди-ю Сурайё Убайдуллаевани излаб топдим.

— Сурайё опа, орқаворотдан илиқ сўзлар эшитиш ҳаммага ҳам насиб қилмайдиган бир бахт... Бу бахтга қандай қилиб эришдингиз?

— Қандай эришдим? Ўз касбимни яхши кўраман. Беморларимнинг ҳаммасини ўз жигаримдек кўраман. Беморнинг соғайиши — менинг байрамим. Ҳар куним байрам бўлишини истайман.

— Сурайё опа, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг...

— Пскентда туғилганман. Врач бўлишни болалигимдан орзу қилганман. 1978 йил мактабни тугатиб, САМПИга ўқишга кирдим. Талабалик йилларимда мана шу шифохонада тунги навбатчи хамшира бўлганман. Бунга талабаларда бўладиган иқтисодий қийинчилик сабаб бўлмаган. Аксинча, мен институтда фақат «аъло» баҳога ўқирдим, стипендиям бошқаларникидан кўпроқ эди. Отаонам ҳам ёрдам берарди. Ўз ишимга астойдил қизиққанимдан, ўз соҳамни чуқур ўрганиш учун ишлардим. Операцияларда қатнашиб, кўзим пишгач, кўз дўхтири бўлишга қарор қилдим. 1985 йил шифокор дипломини олгач, шу ерда врач бўлиб иш бошладим.

— Сурайё опа, беморни энг аввало, шифокорнинг сўзи даволайди, дейишади.

— Тўғри, муомаласи билан беморлар юрагига кира олмаган врач, ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, яхши шифокор бўлолмайди. Бемор кўнглини овламоқ керак. Беморни умиддан жудо қилишга ҳеч қандай шифокорнинг ҳаққи йўқ.

— Операция олдидан нималарни ўйлайсиз?

— Ҳеч қачон иккиланмайман. Ҳамиша ўзимга ишонаман. Кўз — бу ёруғ оламга очилган дарча. Дунёни, гўзалликларни, яқин одамларингнинг чеҳраларини, гулни, майса-гиёҳларни, қуёшни, осмонни — ҳамма нарсани кўз билан кўриб, идрок қиласиз. Кўз — инсонга берилган энг катта бойлик. Уни авайламоқ керак. Кимдир менга шундай буюк неъматини ишониб топширган экан, иккиланмоққа менинг ҳаққим йўқ.

— Ўзингизга бўлган бу ишонч ҳеч қачон панд берганми?

— Йўқ, мен фақат ўзим эплай оладиган ишга қўл ураман.

— Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқ ҳаракати кундан-кунга қулоч ёйиб бормоқда. Бу борада Сиз ишлаётган касалхонада қандай ишлар амалга оширилянти?

— Касалхонамиз врачлари ҳам, ҳамширалари ҳам жойларда бўлиб, болаларнинг кўзларини асраш борасида тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Матбуотда чиқишлар қилишяпти. Болаларнинг кўзларини ҳимоя қилишга катта куч сарфлаяпмиз. Муваффақиятларимнинг бари мана шу аҳил жамоанинг ҳиссаси туфайли деб биламан. Тақдирим ва жамоам Оллоҳ ато этган бахт бўлса керак. Устозларим Зафар Сиддиқов, Оксана Левченко, Ботир Зоҳидов, Владимир Ширин, Ольга Тарбилова, Лидия Космининаларнинг номларини ҳамиша эҳтиром билан тилга оламан.

* * *

Сурайё Убайдуллаева 1991 йилдаёқ тиришқоқлиги, иқтидори туфайли 1-тоифали врач, бўлим бошлиғи вазифасини бажара бошлади. Ишидаги катта муваффақиятлар, ўз соҳасини чуқур ўрганиш сабабли 1996 йилда олий тоифали врач бўлди. Сурайё опа ўзининг устози, касалхонанинг бош шифокори Зафар Сиддиқов тажрибасига кўпроқ суянади. Беморларга ташҳис қўяркан, устози фикрига ўзида эҳтиёж сезади. Шу сабаб устоз-шогирд тез-тез маслаҳатлашиб туришади.

Мана, қаҳрамонимиз, беморлар юрагидан шифокорлик салоҳияти ва гўзал муаммоси билан жой олган Сурайё Убайдуллаева навбатдаги операцияга киряптилар. Ўзига қаттиқ ишонадиган, беморлар билан меҳрибон опа, ҳамдард сингил бўлиб гаплашадиган хушхулқ, гўзал сийрат соҳибаси Сурайё опа яна бир имтиҳон топширмоқда. Бу имтиҳонни «аъло» топширишига Сурайё Убайдуллаева қаттиқ ишоняптими, демак ҳали жуда ҳам кўп имтиҳондан ўтишига биз ҳам ишонамиз.

Суҳбатдош Роҳила СИДДИҚОВА.

ГАПГА ЧЕЧАН, ИЖОДДА ШИРИНЗАБОН

ШОИР АНВАР ЭШОНОВНИ ЭСЛАБ...

Анвар Эшонов истеъдодли шоир ва ёзувчи бўлиш билан биргаликда ғоятда суҳбати жонон, сўзни топиб гапира оладиган, кишини ҳайратда қолдирарли даражада ҳозиржавоб эди. Бугун Анвар акам орамизда йўқ. Илоҳим, у кишининг охиратлари обод, тупроқлари енгил бўлсин!

Анвар акамдан кўнгилга яқин, қуйма сатрлари сероб шеърлар, дилтортар ҳикоялар, ажойиб достонлар ёдгор бўлиб қолди. У киши шеърларини маромига келмагунча, қайта-қайта таҳрир қиларди. Ўз таъбири билан айтганда, «худди деҳқонга ўхшаб тўрт томондан культивация қилиб юбораман-да», дегувчи эди.

Қуйидаги латифанамо, қувноқ ҳангомаларни у кишининг ўз оғзидан бир неча бор эшитганман. Баъзиларига эса, ўзим гувоҳ бўлганман.

Яхшилар ёди

«ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ»ДАН — АЪЛО!

— Тўртинчи курсда ўқийман, десанг. Бир куни университетга борсам, «Военка»дан имтиҳон бўлаётган экан. Қарасам, курсдошларнинг қовоғи солиқ, имтиҳонга киришга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Кирганлари эса ҳафа.

Тўхта дедим, мен кирай-чи! Шу Хушбеков деган полковник имтиҳон олаётган экан. У ёқ-бу ёғимни тузатдим, қаддимни баланд тутиб, гурс-гурс қадам ташлаб кириб эшик ёнида тўхтадим:

— Рухсат этинг, ўртоқ полковник!

Тўрда ўтирган полковник хушёр тортиб, менга разм солди:

— Кираверинг, йигитча!

— Курсант Эшонов имтиҳон топширишга келди! — дедим қаддимни янада ғоз тутиб.

Домланинг чеҳраси бироз ёришди:

— Билетдан олинг-чи!

Дуч келган билетни олиб, рўпарасига ўтирдиму, дик этиб ўрнимдан турдим:

— Жавоб беришга рухсат этинг!

Муаллим бош силкиди.

— Ўртоқ полковник, мен бу саволни билмайман!

— Бўлмаса, бошқа билет олинг!

— Барибир фойдаси йўқ!

Полковник ёйилиб кулди:

— Фамилиянг нима?

— Эшонов, ўртоқ полковник!

— Раҳмат, ўғлим! Ҳарбий таълим дарсининг асосий моҳияти худди шундан иборат.

Шу куни домла имтиҳон варақамга аъло баҳо қўйди.

КИЁМАТ ҚАРЗ

Саксонинчи йилларда «Ёш ленинчи» («Туркистон») газетасида ишлардим. Бир куни иттифоқо Анвар ака йўқлаб келдилар. Бу ташрифдан бошим осмонга етди.

— Менга қара, озроқ пул топиб берсанг. Жиззахга бориб келмоқчи эдим, — дедилар ийманибгина.

Ўша куни қалам ҳақи олган эдим. Чўнтагимдаги бор пулни қоқиштириб қўлларига тутқаздим.

— Радиодан гонорар олсам, албатта қайтараман, — ваъда бердилар акам.

Шу топда қитмирлигим тутдию, оҳиста қўлларидан ушладим:

— Келишдик, фақат бир шартим бор. Дўст бор, душман бор, деганларидек... Олган қарзингизни кўпчиликнинг олдида қайтарасиз. Кейин мени мақтайсиз.

Анвар акам қўлини қўлига ишқалади. Бу у кишининг мамнунлигидан дарак берарди:

— Майли, сен хурсанд бўлсанг, шундай қиламан...

Орадан кўп ўтмай, кўпчилик бўлиб тушлик қилиб ўтирган эдик. Анвар акам келиб қолди. Ҳамма билан бир-бир кўришиб, ёнимга келиб ўтирди. Одатда акам бор жойда суҳбат кўр олар, сўзга-сўз, кулгига-кулги уланар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

— Шавкат, мана бу пулни олиб қўй, жиззахлик оғайниларинг бериб юборишди, — Анвар акам қўлимга бир даста пул тутқазди. Қўлимда бир даста пул, довдираб қолдим. Ҳамманинг кўзи бизда. Кимдир истеҳзоли жилмаяди, яна кимдир хайрихоҳлик билан бу ўйиннинг нима билан тугашини кутади.

Ниҳоят, ўзимда журъат топдим:

— Жуда ҳам кам-ку!

Анвар акам «қовун туширгани»ни сезиб қолди чоғи, оҳиста ўрнидан туриб, костюмининг ҳар икки чўнтагининг астарини ағдариб, эринмай қоққан бўлди. Кейин менга юзланиб шундай деди:

— Қўявер, ҳафа бўлма, булар орамизда нима гап ўтганини билмайди-ку. Мен эса баҳонада қиёмат қарздан қутулдим.

«МИХ КЕРАКМИ?»

«Ишонч» газетаси ташкил этилганида роса йиғилгандик: Анвар Эшонов, Сайёр, Тўлқин, Санъат Маҳмудова, Темур Убайдулло, Ражаббой ота Турк, Адҳам Дамин... Бунақаси ҳеч бўлмаган. Газетанинг шаклу шамойилидан тортиб, суратга ёзиладиган тагсўзгача қизғин баҳслар, тортишувлардан кейин дунёга келарди. Бундай тортишувларда кўпинча Анвар акам ҳақ бўлиб чиқарди. Айниқса, сарлавҳа танлашда у киши беназир эди. Ёзганларимизни у кишининг синчков назаридан ўтказиб олишга ошиқардик.

Шундай воқеани эслайман: Анвар акам бир куни қайси мавзудадир Сайёр акам билан гап талашиб қолди.

Сайёр акам ўзининг ҳақлигини исботламоқчи бўлиб, гапни узоқдан бошлади. Анвар акамнинг жиззакилиги тутди шекилли, ётиғи билан шундай деди:

— Менга қара, Сайёр, сен истеъдодли шоирсану сўзни савдогардек майдалаб ташлайсан-да.

Бу иддаодан кейин Сайёр акам жим бўлиб қолди.

Уларнинг баҳси нима билан тугашини кузатиб турган Иброҳим Аҳроров ҳайратини яшира олмади:

— Анвар ака, жуда топоғонсиз-да, икки юзталик михни мияга қозиқ қилиб қоқиб юборасиз-ей...

Анвар акам хорғин жилмайиб қўйди.

Шу-шу бўлди-ю, жамоада биров гапни кўпайтириб юборса, «Мих керакмасми?» деган янги ибора ишлатиладиган бўлди.

Шавкат ТУРОБ.

Кино-99

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН

РЕСПУБЛИКА Киночилар уйида «Бизнинг премьераларимиз» рукни остида ўтказилган навбатдаги тадбир Аёллар йилига бағишланди.

«Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси Ўзбекистон ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кечани очаркан, «Ўзбеккино» ДАК раиси Темурмалик Юнусов республикамиз киноҳужжатчилари ҳам Аёллар йилини қатор муносиб тухфалар билан кутиб олишаётганини, хусусан, шу куни намойиш этилажак ҳар икки фильм айнан шу мавзуда яратилганини таъкидлади.

Чиндан ҳам, «Ипаклари тиллодан» деб номланган биринчи фильм (сценарий муаллифи Маматқул Ҳазраткулов, режиссёр Фарид Давлетшин) бухоролик зардўз устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова меҳнат фаолияти ҳақида, «Қўшиқнинг қаноти бор» номли иккинчи киноасар эса (сценарий муаллифи Тоир Юнус, режиссёр-оператор У. Ортиқов) «Томоша» болалар ансамблининг раҳбари Нодира Курбонова ижодий фаолияти хусусида эди.

Тадбир ташкилотчилари аёлларимизни мустақиллик йиллари эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу икки киноолавҳа билан кифояланмай, хотин-қизларнинг яқин ўтмишдаги фожиавий қисмати лирик истеҳзо билан талқин этилган «Воиз» бадиий фильмини ҳам (сценарий муаллифи ва режиссёр Юсуф Розиқов) намойиш этдилар. Анапа шаҳридаги «КиноШОК-99» фестивалининг совриндори бўлмиш бу картинани ҳам кинооқшом меҳмонлари зўр қизиқиш билан кутиб олдилар.

Фильмлар намойиши сўнгидаги давомли қарсаклар, муболағасиз ҳар уч киноасар ижодкорлари меҳнатига берилган самимий баҳо бўлди.

Убайдулла ХИКМАТОВ.

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

КАТТА ФУТБОЛ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Ёшлари «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими мамлакатда футболни ривожлантиришнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган дастури ҳамда «Соғлом авлод учун» давлат дастурини амалда бажариш мақсадида вилоят маҳаллалари ёшлари ўртасида «Камолот» кубоги турнирини ўтказди.

МУСОБАҚАЛАР уч босқичда давом этди. Дастлаб вилоят шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда тузилган жамоалар шу йил 10 июнда биринчи босқич мусобақаларини бошладилар. Ушбу босқичда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ғолиб маҳалла жамоаси аниқлангач, улар тўртта минтақага бўлиниб, иккинчи босқич беллашувларини давом эттирдилар.

Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари ва Оҳангарон тумани ғолиблари ўзаро куч синашган гуруҳ (минтақа)да Оҳангарон туманининг Қорақалпоқ маҳалласи, Юқоричирчиқ, Паркент, Бўстонлиқ, Тошкент, Қибрай туманлари ва Чирчиқ шаҳри гуруҳида Юқоричирчиқ туманининг Султонравот маҳалласи, Қуйичирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Зангиота туманлари ва Янгийўл шаҳри гуруҳида Қуйичирчиқ туманининг Ўзбекистон маҳалласи ҳамда Бўка, Бекобод, Оққўрғон, Пскент, Ўртачирчиқ туманлари ва Бекобод шаҳри гуруҳида Ўртачирчиқ туманининг Галаботир маҳалласи жамоалари финал босқичига йўлланма олдилар.

Вилоятнинг ягона ғолиб маҳалла жамоасини аниқлаб берадиган ҳал қилувчи босқич мусобақалари Оҳангарон шаҳрининг «Цементчи» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Ҳал қилувчи учрашувда Юқоричирчиқ туманининг Султонравот ҳамда Оҳангарон туманининг Сусан қишлоғи Қорақалпоқ маҳалласи жамоалари ўзаро куч синашдилар. Қизиқарли ўтган беллашувда Султонравот маҳалла ёшлари рақиб дарвозасига ягона тўп киритиб, вилоят турнири ғолиби бўлдилар ва республика финал босқичига йўлланма олдилар.

Бу йил биринчи марта ўтказилган ушбу турнирда вилоятдаги 800дан зиёд маҳалла ёшлари жамоалари иштирок этди. Республика Ёшлар «Камолот» жамғармасининг Юқоричирчиқ, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманлари ва Оҳангарон шаҳар бўлимлари мамлакат ёшлари ўртасида футболни кенг оммалаштиришга хизмат қилувчи ушбу турнир мусобақаларини уюштиришга, айниқса, жиддий ва масъулият билан ёндошди. Бироқ Зангиота, Тошкент, Пскент, Бўстонлиқ туманлари бўлимлари лозим даражада фаоллик кўрсатмадилар.

Вилоят спорт қўмитаси ва футбол федерацияси қизғин қўллаб-қувватлаган ва катта амалий ёрдам кўрсатган ушбу турнир анъанага айлантирилиб, ҳар йили мунтазам ўтказиб туриладиган бўлди.

Самад ЙЎЛДОШ.

ТАҲРИРИЯТДАН: кеча Қашқадарёнинг Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида маҳалла футбол жамоалари ўртасидаги «Камолот» кубоги турнирининг республика босқичи мусобақалари бошланди. Биз вилоят турнири ғолиби бўлган Юқоричирчиқ тумани Султонравот маҳалла жамоасига ушбу босқич учрашувларида ҳам омад тилаймиз.

Бўш вақтларингизда

БОШҚОТИРМА



БЎЙИГА: 1. Денгиз йиртқич жонивори. 2. Ҳеч бир давлат фуқаролигида турмаган шахс. 3. Ошкўк. 4. Ҳаво босимини ўлчайдиган асбоб. 5. Чиннигулдошларга мансуб уруғи заҳарли ўсимлик. 11. Дуккакдошларга мансуб мева. 13. Чироғи бор «туман». 15. Дада, ада, падар. 16. Ҳашорат. 17. Меҳнатнинг нишонаси. 18. Нозу карашма. 21. Афсонавий жангчи аёл. 22. Ширинлик. 24. Ўрик нави. 26. «Иссиқ» сўзининг синоними. 28. Ҳиндистонда кенг тарқалган исм.

ЭНИГА: 6. Пластинкага ёзилган мусиқа ва ашулаларни эшиттирадиган аппарат. 7. Экинга сув қўйиш учун қилинган жой. 8. Машҳур рус шоири. 9. Махсус қазилган чуқурлик. 10. Гул. 12. Ёлланиб пахта терувчи киши. 14. Европадаги дарё. 19. Кичик Осиёнинг қадимги номи. 20. Спорт иншооти. 23. «Буйруқ»нинг эскирган номи. 25. Ёввойи ўрдак. 27. Бирор жойга ўрнашган ҳолда ривожланадиган организм. 29. Йиртқич қуш. 30. Миллий иситиш қурилмаси. 31. Ўзбек халқ достони. 32. Чилидаги чўл.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ. Зангиота тумани.

21 АВГУСТДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

БЎЙИГА: 1. Қўлтиқ. 2. Сўта. 3. Мина. 4. Сари. 5. Нома. 6. Мусиқа. 8. Бальзак. 10. Нишолда. 12. Наманган. 13. «Сангам». 14. Табла. 15. Ола. 16. Қир. 18. Катак. 21. Аристофан. 22. Карашмали. 28. Равоқ. 29. Ар. 30. Кориз. 31. Какку. 32. «Ра». 33. Шотут. 36. Фокстрот. 37. Ин. 39. Ре. 40. Олмос. 41. Иттифоқ. 42. Кетмон. 44. Туркман. 45. Иқбол. 50. Илк. 51. Сор. 53. Тилмоч. 55. «Байрам». 58. Азал. 59. Укпа. 61. Укки. 62. Атал.

ЭНИГА: 1. «Қасам». 4. «Санам». 7. Итака. 8. Балатон. 9. Рамазон. 11. Ан. 13. Си. 14. Тилсим. 17. Акашак. 19. Альмандин. 20. Бўза. 23. Ўлат. 24. Ўра. 25. Ангар. 26. Нар. 27. Арка. 32. Рашк. 34. Ресторан. 35. Касана. 37. Итоғиз. 38. Тошкўмир. 40. Оқин. 43. Етти. 46. Ман. 47. Кекса. 48. Ила. 49. Мита. 52. Араб. 54. Алимардон. 56. Софдил. 57. Газмол. 59. Ун. 60. «ТУ». 63. Қимизак. 64. Камерун. 65. Палак. 66. Чалма. 67. Ислом.

Иқтисодий ночор корхоналар бўйича Тошкент шаҳар бошқармасида 1999 йил 28 сентябрь куни соат 10.00да банкрот деб эълон қилиш мўлжалланаётган «САНУТ» очиқ турдаги акциядорлик жамияти кредиторларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Кредиторларнинг қуйидаги манзилга келишларини сўраймиз:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, АМИР ТЕМУР КЎЧАСИ, 24 УЙ, 4-ҚАВАТ, 408-ХОНА. Тел: 139-23-95.

«САНУТ» ОТАЖ.

АБДУМАЖИД МАШАХАПОВ

ВИЛОЯТ жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажрибага эга бўлган билимдон ва ташаббускор раҳбар, фаол жамоатчи, Юқоричирчиқ туманидаги «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси Абдумажид Ғоибназарович Машахапов 50 ёшда тўсатдан вафот этди.

А. Машахапов 1949 йилда Тошкент вилоятининг Суранкент қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Меҳнат фаолиятини Задарё туман қишлоқ хўжалик бошқармасида ҳосилот бўлиб ишлашдан бошлади.

1972-1974 йилларда Ўзбекистон толали экинлар станциясида лаборант, кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1972-1988 йилларда Охунбобоев номли совхозда бригада бошлиғи, ҳосилот, бош ҳосилот, директорлик қилди. 1988 йил мартда шу тумандаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигига раис этиб сайланди.

А. Машахапов 1997 йил 1 январдан умрининг охиригача тумандаги «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига раҳбарлик қилди. У бутун умри давомида қайси лавозимда ишламасин, билимдон ва қобилиятли раҳбар, катта ташкилотчи ва фаол жамоатчи сифатидаги бор салоҳиятини тўла намоён этди. Унинг кўп йиллик ҳалол меҳнати ҳукуматнинг қатор орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Шу билан бирга А. Машахапов садоқатли дўст, барчага баробар меҳрибон ва ғамхўр инсон сифатида ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди.

Абдумажид Машахаповнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг навбатдаги сони 1 октябрь куни чиқади.

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК «КАФОЛАТ» СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЎЗИНИНГ БЎЛИМЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ ИШ ҲАҚҚИЛИК СУҒУРТА ВОСИТАЧИСИ ЛАВОЗИМИГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Суғурта воситачиси лавозимига суғурта ташкилотларида камида 3 йиллик меҳнат стажига эга шахслар қабул қилинадилар.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳлардан олишингиз мумкин:

Янгийўл шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 28-уй, тел: (8-260) 2-11-43,

Олмалиқ шаҳри, Металлургчлар кўчаси, 4-уй, тел: (8-261) 3-03-60,

Ангрен шаҳри, Инқилоб кўчаси, 16-уй, тел: (8-266) 2-24-50,

Оҳангарон шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, тел: (8-264) 5-53-17,

Бекобод шаҳри, Аббосов кўчаси, 219-уй, тел: (8-291) 2-29-91,

Чирчиқ шаҳри, Осипенко кўчаси, 4-уй, тел: (8-271) 5-23-74.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 25-29 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво бирмунча ўзгариб туради. Айрим туманларда ёғингарчилик бўлиб, ҳафта бошида кечалари 5-10, кундуз кунлари 18-23, охирида эса, ҳарорат секин-аста кўтарилиб, кечалари 9-14, кундузи 27 даражага боради. Тоғ олдида жойлашган туманларда ҳарорат кечаси 6-11, кундуз кунлари 13-18 даража илиқ бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Миролим Хожи» фирмасига тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «ЗООРОСС» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Строительная кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0714. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Сахифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 5 6